


Муҳаммад Раҳимхон  
Феруз

ЭЛГА ШОҲУ  
ИШҚҚА ҚУЛ



ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

МУҲАММАД РАҲИМХОН ФЕРУЗ

# ЭЛГА ШОҲУ ИШҚҚА ҚУЛ

Девон



ТОШКЕНТ

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

*Алишера Ш. Ф.*

ни ва сўзбоши муаллифи  
А ИСМОИЛОВА

ия фанлари доктори, профессор,  
Давлат мукофотининг лауреати  
ИД АБДУҒАФУРОВ

ақризчилар:  
ия фанлари номзодлари:  
АТУЛЛА ЖУМАХУҒА  
АГУЛ ЖУМАБОВА

## ХОРАЗМНИНГ ФОЗИЛ ФАРЗАНДИ

Тарихий шахсларга баҳо берганда, аввало шу кимсан оммага муносабати, аниқроғи халққа қай йўсин нафъи текка қай даражада зулми ўтганлиги каби мезонга таянилади ва тарихқа қилган саяй-ҳаракатига қараб ё у мангуга дахлдор ҳу мат-обрўга эга бўлади ёки бунинг акси тавқи лаънатга учрайди. Тарихий шахсларга муносабат масаласида биз қай даражада холис пиятда бўлсак, унинг фаолиятига шу тарзда аниқ в тўғри баҳо берган бўламиз. Айниқса, ҳукмдор ижодкорлар фаолияти тўғрисида гап кетганда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишимиз керак бўлади. Хусайиний, Амирий, Феруз тахаллуслари билан ажойиб шеърлар яратган Хусайн Бойқаро, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон Соний каби соҳиби салтанат ижодкорлар шеърини узоқ йиллар мобайнидаги эътиборсизлик ва по-холис қарашлар туфайли шу пайтгача кенг ўрганилмай, оммага ҳавола қилинмай келинди.

Маниҳур шарқшунос олим В. В. Бартольд томонидан «буюк маърифатпарвар» деб баҳоланган Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ижоди бугунги кунда тадқиққа жуда муҳтож.

Муҳаммад Раҳимхон сиёсатда ҳам, маданий соҳада ва адабий жараёнда ҳам ўзининг юксак истеъдодини намойиш қилди. Унинг қирқ етти йиллик ҳукмронлик даврида мамлакат жуда тинч ва осойишта ҳаёт кечирди. Муҳаммад Раҳимхон ўзигача бўлган Хоразм ҳукмдорлари ичида энг саҳоватли ва мурувватлиси эди.

Ҳар бир давр ўз кечмишига, тарихий силсиласига эга. Гарчи даврлараро маълум бир умумий муштараклик ҳукм сурса ҳам, ҳар бир замон, фурсатларнинг ўзига хос, такрорланмас, бошқа даврларникига ўхшамайдиган ва қайтарилмас жиҳатлари бўлади.

Асрлар она маданият юксак равишда ривожланиб келган Хоразм ўлкасида, айниқса Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даврида илм-фан, маданият ва дин ўзига хос юксалиш ва янги-ланиш даврини бошидан кечирди. Айтиш мумкинки, Муҳаммад Раҳимхон маърифат такомиллигининг узлуксиз ва силсилали одат-анъаналарини давом эттирувчи олий бир ижрочи сифатида майдонга чиқди. Воҳадаги маданий ўсиш-ўзгаришлар, китобат ишларининг ривожини, мусаввирлик, musiқа санъатидаги яратилиш-

Ўз 1

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 й.

қиятларда намоён бўли-  
Муҳаммад Раҳимхон нома

этибор ва кўмаги нати-  
жа ва осойишталик билан

да ҳеч бир даврда Му-  
қимчилик кўп ижод аҳли  
из Утар, Чокар, Фақирий,  
Девоний, Дойи, Сўфий,  
нинг номини санашимиз  
Кива шоир ва адабиётчи-  
да Муҳаммад Раҳимхон  
ирлардан 54 нафарининг  
ияти саройда хизмат қил-  
рларнинг ҳар бирига ўз  
асалан, шеърятда кўзга  
бўлган Табибийни сарой  
аган. Дойини ростгўй ва  
лган. Ғоятда чиройли хат  
и бажарган. Қўрқмас ва  
ҳимхон томонидан кўхна  
носий гўзал шеърлар ёза  
иниб, вазир этиб тайинлан-

ксга вазифа тайин этганда,  
обилиятини ҳам эътиборга  
а меҳр билан қараган ва  
Раҳимхоннинг ўғли Исфанди-  
пининг боиси ҳам ўғлининг  
оси борлигида эди. Фаррух  
лишиқ шеърлар ёза бошла-  
н бошқа ўғилларига нисба-  
ради. Эҳтирос ва нозик туй-  
к ва фидойчилик кутган Му-  
о ичида бошқариб келган ва  
лига ишониб тоширди. Аф-

изда саройларда яшаб ижод  
ан нотўғри хулосалар ҳукм  
сарой доирасидаги шоирлар  
ий муносабатда бўлиш жара-

ари ижоди ғоявий, тематик  
лар ижодида ғоявий сустилик

кўзга яққол ташланади. Хон саройида адабиётда тақлидч  
пайрав шеърлар ёзиш айниқса авж олган» каби фикрлар кўп  
адабий-илмий мақолаларга асос бўлди. Бу каби нотўғри ф  
ларнинг туғилишига сабаб бевосита Феруз ижодига, шахсия  
нотўғри ёндашув билан боғлиқдир. Чунки Ферузнинг ада  
муҳитни жонлантиришдаги уришилари, маданий жабҳани  
вожлантиришдаги саъй-ҳаракатларига нотўғри баҳо бери  
Саройда яшаб қалам тебратган ва ижодий фоалиятлари шу да  
гача бизга номаълум бўлиб келаётган Асад, Оқил, Саъдий,  
мёб, Содик, Омон, Шиносий, Ғозий каби шоирлар қолдирган ме  
аянанавийлик услубининг устулиги билан диққатни тортади

Муҳаммад Раҳимхон авлодини «шоирлар авлоди» деб ата  
бўлади. Улкан қалб эгаси бўлган Ферузнинг таъсири натижаси  
хон авлодидан ўндан ортиқ ижодкорлар етишиб чиқди. Коме  
Муродий, Султон, Оқил, Саъдий, Асад, Содик, Ғозий каби шо  
лар Ферузнинг қариндош-уруғлари бўлиб, уларнинг ҳар бир  
камида биттадан девон тартиб беришган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг иқтидор кўлами кенг, ранг-баран  
эди. У ажойиб хусниҳат эгаси бўлган, санъат сирларини чуқур  
билган. Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи «Шашмақом»га ўн учта  
куй басталаган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг биз учун ғоятда муҳим ғазилатла-  
ридан яна бири — унинг бадий маҳорати юксак, гўзал шеър-  
лар яратган истеъдодли шоирлигида эди. Феруз тахаллуси билан  
ижод этган Муҳаммад Раҳимхоннинг шеърятини ўзига хос оҳанг-  
га эга. «Ишқий ғазаллар пири» ҳисобланган Феруз лирикаси сер-  
жило, сермазмунлиги билан ажралиб туради. Феруз лирика-  
сининг бой жиҳатларидан бири мисраларнинг ғоятда оҳангдор,  
ўйноқ, дилбарлигидадир.

Ошиқ дилидан кечаётган эҳтиросли, лаззатли хаёллар, баъ-  
зан оғир, ҳазин ўйлар шоир қаламида ўтли, ҳаяжонли, оғриқли  
дардларга айланади:

Оҳим, жонимга жавр айлаб мани ёр ўлтурур,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксумни афғор ўлтурур.

Васли бирла шод этиб агёрни, ҳижрон аро  
Айлабон маҳзун мани чархи ситамкор ўлтурур.

Феруз ижодининг асос кўпчилигини ишқ-муҳаббат мавзуси,  
иссоний кечималар тафсиоти, дилбар ёрнинг гўзаллигини таъ-  
риф-таъсиф қилувчи шеърлар ташкил қилади.

Ҳар бир сўзида, мисрасида гўзал ва бокира, самимий ва содда,  
ҳалол ва покиза ўйлар, туйғулар, ҳиссий кечималар жо бўл-  
ган бебаҳо дурдоналар жозибаси, латофати ўқувчини ўзига жалб

сархуш фикрларга тортмай қолмайди. Лирик қаҳ-  
дан кечаётган изтиробли, гамгин ўйлар, айрилиқ,  
огривиш азоблари ҳамма даврларда ҳам ҳар бир  
нинг нозик шикваларини, оғриқли кечинмаларини  
и. Шоир шеърларининг замонавийлиги, барқарор  
у жиҳатларда кўринади.

Шеъриятида гўзал маҳбуба таъриф-таъсифга бағиш-  
лаб газаллар мавжуд. Шоирнинг иқтидор кўлами,  
маҳорати айниқса шу тахлит шеърларида оқиб кўри-

Улшан ичра сарв ёхуд ул қад мавзунмудур?  
Наргис эрканму ва ё ул чашми нурафсунмудур?

Ул гул олмишму қизил гул илқиға бу боғ аро,  
Ё шаҳиди ишқ қонидин қўли гулгунмудур?

Ўзининг олижаноб фаолияти билан кўнгина савобли ва  
иларга қўл урди. Ферузнинг самимий ва бегубор қал-  
хислатлар унинг шеърларида ҳам аке этди:

Ишқ бир ўтдурур нечуким барқ,  
Айламас шоҳ била гадоли фарқ.

Соҳиб, ҳукмрон бир шахсниг камтарлик билан маъ-  
раларни битиши, айтиш жонзки, беқўс самимийлик,  
бўлик белгисидир.

Уз ижодида бундай асарлар қаторида ахлоқ-одобга, са-  
сон бўлишга ундовчи шеърлар ҳам бор. Бу каби газал-  
маъна баркамол, фидойи қалб эгасининг нидоларини  
из. Ҳақнинг берганига сабр-қаноат қилишга, чидам-  
зорловчи мисраларда бир томондан эътиқодли, субутли  
оннинг қарашлари намён бўлса, иккинчи томондан бу  
ларини ҳаётнинг бор паст-баландини, яхши-ёмонини кў-  
н нарсаларнинг шоҳиди бўлган кимсанинг ўғитлари, доно  
маслаҳатлари деб тушуниш мумкин:

Саломат аҳли бошига фалакдин,  
Даме тинмай ёғар санги маломат.

Маломат тошидан озурдадурлар,  
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.

...Маломат чекмайин десанг жаҳонда,  
Худонинг берганига қил қаноат.

мисралардаги айрим сўзларнинг алмаштирилганлигини, баъзан ҳатто мазмунга мутлақо мувофиқ келмайдиган сўзлар битиланганлигини тўлиқ кўрамиз. Ферузнинг илк бор нисбатан тўлиқ ҳолда чоп этилаётган ушбу шеърини китобига бундай чалқашликлар ҳам таъсир ўтказиши табиий.

Биз ушбу тўпламни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 12066, 3446-тартиб рақамли қўлёзмалардан фойдаландик, ҳамда шеърларни девон тартибига келтиришга уриндик.

Муҳаммад Раҳимхон—Феруз ижоди ва фаолияти, шубҳасиз, тўлиқ ўрганишга, қолдирган бадиий мероси эса кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишга арзийди.

ГУЛСАРА ИСМОИЛОВА

## ҲАЗАЛЛАР

\* \* \*

Зиҳи бордур зуҳурингга азал бирла абад пайдо,  
Тафаккур айлабон зотинг, қила олмас хирад пайдо.

Не ҳикматдурки, гулдек юз ато бир кимсага айлаб,  
Бировда булбулосо оҳу афғон беадад пайдо.

Қачон ҳамдингга гўё айлағум тилни мане бекас,  
Манга гар бўлмаса алтофи фазлингдин мадад пайдо.

Бу ҳам бор қудрату сунъинг тасдиқиға бир бурҳон  
Ки, қилдинг бу тўққуз қат осмонни беамад пайдо.

Нечук мақбуллиғ топғусидур аҳли жаҳон аро,  
Ул одамким, онга қаҳринг соридин бўлса рад пайдо.

Борси хоҳиши тақдиринг ила бўлғуси мавжуд,  
Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо.

Топар кавнайн ичра мақсад ила комини Феруз,  
Иноётинг била бўлса анга гар маснад пайдо.

\* \* \*

исун салом беҳад анга субҳ ила масо  
м, деди васфини они фурқон аро худо.

ки қудумин айлади бўса ҳама расул,  
лди ўзига шоҳ они жумлаи анбиё.

и шомким, ҳақ амри била айлади уруж,  
опти ҳама мурод ила мақсудини раво.

лбатта ҳашрда топар онинг шафоатин,  
Қар кимсаким, жаҳонда қилур инқиёд анго.

Қар кимки, амри шаръийга гар сунмағай бўйун,  
Рӯзи жазода бўлгуси икки юзи қаро.

Хар ким салому саловот этса одатин,  
Шаҳд шафоатин ичадур тогла ҳашр аро.

Феруздек шафоатинг умидин этгамен,  
Ҳосил қил они лутфинг ила бобини манго.

\* \* \*

Ераб, иш субҳу масо журм ила  
Ики кўзум ушбу ғусса бирла ги

Бошлагил тавфиқ ила роҳи ҳидо  
Ким, кўнгул ҳар дам залолат б

Ман аён қилмоқ санга лозим эма  
Ким санга бордур намобн неки п

Сен агар лутфу инояту карам ай.  
Жумлаини мушкул ики оламда ос

Афу ҳажридин бир қатра эҳсон а  
Ким ҳамиша журм ила исён фар

Маърифатнинг жонибиға бошла й  
Жаҳл сори хотири афкор жүёнду

Қил ато бир журъаи фазлинг бил  
Субҳ ила шом орзу дарёи ғуфрон.

\* \* \*

Нигоро, олди ҳушим, тарзи рафторингга салламно!  
Ерутти тийра кулбам, меҳри рухсорингга салламно!

Ишим қотил кўзунг бедодидин бўлмиш, баса, мушкул,  
Ичиб қопимни тўймас, чашми хунхорингга салламно!

Лабинг сўздин берур жон ўлган элга дарди ишқингдин,  
Равонпарвар лаби жонбахши гуфторингга салламно!

Ҳама ишқ аҳидур, эй муғбача, зулфинг гирифтори,  
Бори дин аҳлини банд этди — зуннорингга салламно!

Дединг: «Лутф айлагум!», ўлтурдинг, аммо неча ноз  
айлаб,

Агар лутфинг бу эрса, жавру озорингга салламно!

Қилурсан поз, агар ман ҳар неча арзи нисъ этсам,  
Сиямкор маҳвашо, бу навъ атворингга салламно!

Сенга, Феруз, ўлуб бахт, этдинг ул ой қадди, зулфин васф,  
Бу янглиг табъи позик бирла ашъорингга салламно!

\* \* \*

Ул ой васфини вурд этсам забонда,  
Неча йиллар адо бўлмас баёнда.

Дебон маъшуқинг асру бевафодур,  
Манга кўп таъналар айлар жаҳонда.

Негайким, ишқ эър айлаб кўнгулга,  
Ул ойнинг меҳрини асратди жопда.

Ҳабибимга чу маҳрам бўлди ағёр,  
Эрурмаи ушбу ҳасратдин фиғонда.

Фироқ ичра менинг бағрим қилиб қон,  
Нигорим, билмадим, эрмиш қаёнда.

Ҳумоюн бахт вла бўлсун саломат,  
Агар бўлса ҳабибим ҳар маконда.

Агар Ферузлик иқболнинг эса,  
Висолига етушкунг бир замонда.

\* \* \*

Гул юзунга булбулосо ўтлуғ афғоним фидо,  
Сарви озодинга қумридек хуш алҳоним фидо.

Хирмани гулдек бўлуб киргил қучоғим ичраким,  
Гул киби ислаб юзунг, айлай санга жоним фидо.

Ваҳ, нечук кофирдурур икки кўзингким, бир қиё  
Ҳолима боқмас ҳам этсам нақди имоним фидо.

Гоҳ-гоҳи ман сори қўйғил қадамким, айлайин  
Мақдамнинг гардига жон, эй кўшглум олгоним, фидо.

Эй париваш кулбамга элдин ниҳону ошкор  
Келки, то айлай санга пайдою пинҳоним фидо.

Чашми умидим ёр ўлиғил меҳрлек юз бирлаким,  
Баҳри коп этсун санга чашми дурафшоним фидо.

Бахти Феруз ила гар топсам висолнинг давлатин,  
Сўз дуррин базмингда айлай, эй сухандоним, фидо.

\* \* \*

Рухсорин очиб бир пари келди бу тун базмин аро,  
Бошдин оёқи бор экан меҳру вафо, нозу адо.

Чиқса фалакка ҳар сахар оҳу фиғоним, не ажаб,  
Айлар фузунроқ ҳар кеча ул ой менга жавру жафо.

Билмоп, не офат эрди ул бўлғоч назарга жилвагар,  
Ақлу хирад, ислому дин ўлди бори мендин жудо.

Жонинг учун ҳар дам манга кўргуз тараҳҳум, эй пари  
Ким, сабру тоқат қолмади жавринг чекиб субҳу масо.

Ойдек юзунгнинг партави тушсун қаро кулбамга ҳам,  
Қўйғил қадам, эй маҳлиқо, очиб узори дилқушо.

Не суд, толеъ бўлса гар юз ою кун, ҳар субҳу шом,  
Нечунки бор Ферузга меҳру жамолинг муддао.

\* \* \*

озунгдур хусн авжида мунаввар офтоб,  
ач они заррадек этсам тонг эрмас изтироб.

улосо айлабон тун-кун фигопу холалар,  
кўнглум гул юзунг шавқида бўлмишдур хароб.

ли майгунинг фироқида етибман ўлгали,  
и аро лаълинг шароби бирла қилгил комёб.

етлар, фарёду афгон этсам эрмас айбким,  
лбарим агёрға лутфу манга айлар азоб.

храм эт васлинг аро иқболи Ферузинг киби,  
қазинни, эй суманбар, айламай нозу итоб.

\*

Дедим: «Кўзумни равшан  
Деди: «Узорим ўтига жон

Дедим: «Тараҳҳум айлаб  
Деди: «Кўзум жонинг ф

Дедим: «Висол ичра лаб  
Деди: «Санга бергум ани

«Дедим: «Лабингнинг ш  
Деди: «Бўлурму ҳар суй

Дедим: «Недин эркан бу  
Деди: «Сочимни тонг е

Дедим: «Кўзунг бедор  
Деди: «Бу лаҳза фитн

Дедим: «Кўзунгдин ўр  
Деди: «Юзумни офрит

\* \* \*

ажридин жонимға юз ранжу ал  
тимни, кам қилмас манга бир да  
рузусида ўтурдим субҳ ила шомим,  
бўлмади ҳижронида жуз дарду га  
тоб жисмимда, на тоқат зор кўнг  
ди висолиға ўзунг айлаб карам, ёр  
вдосида доим қоронғудур манга ол  
бу шоми ҳижронимға еткур су  
оро жамолидин менинг базмимға  
йму экан равшанлиғ ул маҳваш са  
утф айлабон ўз илки бирла берса б  
лда қолмас эрди орзуйи жоми Жам  
глиғ сабр қилсун ул қуёш ҳижрони  
айлар жафосин, айламас бир зар

\* \* \*

Олса жоним қошу кўзунг, икки лаб,  
Тозадин жон бергусидур иккилаб.

Етса соқий базми аро навбат манга,  
Майдин айлаб жомни тут лабо-лаб.

Лаъли майгунинг фироқидур менинг,  
Солгон ўт жонимга гар сўрсанг сабаб.

Ташлабон ҳижрон қоронгу чоҳига,  
Қон оқиздинг кўзларимдин рўзу шаб.

Кеча-кундуз ғайр ила суҳбат тузуб,  
Нўш этарсан дам-бадам жомни тараб.

Зори саргардон бўлуб субҳу масо,  
Жону дил қилгусидур васлинг талаб.

Ўзгаларга кўргузуб лутфу карам,  
*Не учун Ферузга қилгушт газаб.*

\* \* \*

Зулфи мушкинини ул ой айла  
Ошиқу бечораларнинг кўзини

Отанин рухсори устида муан  
Ўтга тушган қил масаллик қил

Лутф этиб келдинг букун ба  
Келтуруб жомни паёнай қил м

Эй сумабар, ҳар қачон ишқ  
Ман ҳазинингни доғи ул жум

Нўш этиб ағёр ила гулранг м  
Айлади ман зорни рашк ўтиг

Гар тақаллум чоғи дур сочса  
Айлай олғайму анга ўзин бар

Солибон Ферузни кўздин йир  
Ғайр ила суҳбат тузуб ичкун

\* \* \*

лида ҳижидур офтоб,  
Ўти қилди бағримни каоб.

м: «Лаълинг майидин бода тут».  
«Санга еткайму лаълимдин шароб?»

лутф уммид қилсам ёрдин,  
луб юз ноз ила айлар итоб.

данда, иста жонон васлини,  
санга йўлида юз рашжу азоб.

: «Лаълингдин ато қил бўсае!»  
сабр эт, мунча кўргузма шитоб!»

\* \*

Лаълиға еткурубму ул  
Таъм ичра буки топми

Ичгандек обиҳайвон ру  
Гар берса лабга элтиб

Гўё лаби суйидин бир  
Қанд узра мунча бўлми

Ул шўх лабшакарнинг  
Топмиш бу навъ қадру

То қилди бўса ул шўх  
Ушбу хусусдин олди ма

Жонимни рашк ўтиға, я  
Ағёр бирла ичма кўб ош

Шарбат висолинг ичра б  
Ичмак муносиб эрмас ҳа

Доим вужуди бўлғай эми  
Ҳар кимки, ёри бирла ич

На хуш саодат ўлғай Фе  
Ҳар кеча ўз қўлидан бер

\* \* \*

Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт,  
Куфри зулфинг дину иймон ичра ўт.

Наргиси шаҳло кўзунг солғусидур  
Бир ниғаҳдин боғу ризвои ичра ўт.

Оҳ чексам фурқатингдин ўртаниб,  
Тушгусидур байтулаҳзон ичра ўт.

Журмим, эй маҳваш, недур, ҳар дам солур  
Барқи ишқинг жисми вайрон ичра ўт.

Ой киби фаррух юзунгнинг фурқати  
Солди кўкда меҳри раҳшон ичра ўт.

Не ажаб, кўргач юзунг Ферузнинг  
Оҳидин тупса гулистон ичра ўт.

\* \* \*

Ўлмакка етдим ҳижрон ғамидин, ҳолимга эт раҳм, эй  
сарвиқомат,  
Қаддинг ниҳоли боди хазондин бўлсун, илоҳо, доим  
саломат.

Ишқингга тушдум, қолдим балога, келмасму раҳминг бу  
мубталога,  
Эўр айлаб ишқинг мен бенавога, солди бошимга шўри  
қиймат.

Қофур кўзунгга жону жаҳоним бўлсун тасаддук, эй  
меҳрибоним,  
Лаълиниг майини маст айла жоним, ғамдин топай то  
бирдам фароғат.

Юз узра лаълиниг чун қилди ниҳон хатти зумуррад, эй  
моҳитобон,  
Десам тонг эрмас, зулматда қолгон ҳайвон суйиндин  
улдур аломат.

Васлиниг шаробини нўш айлаб агёр, тун-кун эрурлар  
саршор-саршор,  
Ваҳким, бўлубман маҳруми дийдор, захри ғамингга  
қилдим қаноат.

Рашик ўти айлаб бағримни бир ён, ашикимни қилди дарён  
уммон,  
Андухи фурқат ошуби бир ён, бир ён ҳужуму таъну  
маломат.

Чархи ситамгар айлаб манга кин, қилди санга қаҳр  
этмакни ойин,  
Биллоҳки, ғамдин бу жони ширин топмас тапимдин  
чиқмоқга фурсат.



\* \* \*

Қачонким айласа ул Исойи замона ҳадис,  
Улук баданга берур умри жовидона ҳадис.

Бўлур бори шаккарин шуктагўйлар абкаму лол,  
Не мажлис ичра қилур ул маҳи ягона ҳадис.

Ҳадисидин, шеажаб, умри жовидон топсам  
Ки, ҳар дам оби Хизрдин берур ишона ҳадис.

Деса сўз ўзга ҳабибимдин, айламас таъсир  
Қулоқга ҳар нечаким бўлса қудсийна ҳадис.

Биҳамдиллаҳ, эрурман висолиға маҳрам,  
Недишки, бордур эшитмак манга баҳона ҳадис.

Муғанниё, тузуб «Ушшоқи рост» оҳангил,  
Наво қил, айлабон оғоз ошиқона ҳадис.

Гоҳи карам била Ферузни ҳам айлаб ёд,  
Замон-замон анга қил хат била равона ҳадис.

\* \* \*

Қадинг ҳажрида, эй ҳури паризод,  
Қилурман қумри янглиғ нола бушёд.

Даме бу ҳолима айлаб тараҳҳум,  
Висолинг базмида қилгил мани шод.

Мунаввар оразинг чун моҳи анвар,  
Эрур зебо қадинг чун сарви шамшод.

Жафо таркин тутуб ман нотавонға,  
Ҳазин кўнглумни ғамдин айла озод.

Эрур ҳар кирпикинг бир туки ханжар,  
Кўзунг жон олғучи бераҳм жаллод.

Не бўлғай бир кеча элдин ниҳоне  
Хиром этсанг қилиб Ферузни ёд.

\* \* \*

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?  
Наргис эрканму ва ё ул чашми пурафеунмудур?

Ул гул олмишму қизил гул илқиға бу боғ аро,  
Е шаҳиди ишқ қонидин қўли гулгунмудур?

Гул нечук гулгун юзунгга ўзни монанд айлагай  
Ким, онинг ранги юзунгдин дам-бадам афзунмудур?

Гул уза шабнамму ёхуд булбул анки ҳажридин  
Гул боши узра нисор ўлгон дурри макнунмудур?

Буки, тинмай гулшан ичра нола айлар андалиб,  
Ул дағи бир гул ғамидин маң киби маҳзунмудур?

Дўстлар, Лайлини гулрўйимга ташбеҳ айламаң  
Ким, онинг девонаси мен зордек Мажнунмудур?

Эй кўнгул, ул гул висоли ичра шод эткан сани,  
Бахти Ферузингму ёхуд гардиши гардунмудур?

\* \* \*

Ўқулуб деди манга бу кеча дилдор:  
«Бўлубмусан манга асру гирифтор?»

Дедимким: «Ошиқи зорингман, оре,  
Нетайким, васлингга йўл бермас ағёр.

Санга ағёр ҳамдам бўлса бир дам,  
Менинг бағрим бўлур афғору афғор.

Бу ҳолимни кўруб, қилғил тараҳҳум,  
Бўлубман дарди ишқингдин баса зор...»

Табассум бирла дур сочиб сўзидин,  
Дедимким: «Не ғараз бу сўздин, эй ёр?»

Дедим: «Лаълингдин этгил бўса аҳсон»,  
Деди: «Бу нукта бордур асру душвор».

Кўруб ул дамда беҳад изтиробим,  
Деди: «Феруз, бўлғум санга ғамхор».

\* \* \*

д, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,  
каллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

айш асбобини, очғил тараб абвобини,  
оламтобини очиб севар ёринг келур.

қилиб мўъжизбаён, бермакка умри жовидон,  
меҳр айлаб аён, жонбахш гуфторинг келур.

и ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,  
тутуб расми вафо шўхи ситамкоринг келур.

и қилиб агёрни, шод этгали сен зорни,  
айлабон озорни, ёри вафодоринг келур.

иға нолапг бир саҳар таъсир қилмишдур магар,  
и дудоқу сиймбар, фархунда дийдоринг келур.

узбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,  
иқки сарви хушхиром, озода рафторинг келур.

\* \* \*

Оҳким, жонимға жавр айлаб мани ёр ўл,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксимни афғор ўл.

Берса жон ширин лабидин гар ўлук жис  
Қатлима айлаб ишорат, чашми хунхор ўл.

Келса токи мажлисимға неча турлук но  
Гаҳ қилиб хушдил, бўлуб гоҳи дилозор.

Гар назар қилсам ул ой рухсориға мойил  
Рашк ўтиға ўртабон зулфи нигунсор ўл.

Васли бирла шод этиб агёрни, ҳижрон ар  
Айлабон маҳзун мани, чархи ситамкор ўл.

Ишқ айтур: «Масти хоб ўлғонда ўпғил и  
Ақл дер: «Кўй бу ишнинг, гар бўлса б.

Ҳар неча йўлида жон қилсам фидо Феру  
Айламай манзур они, ҳар дамда юз бор.

\* \* \*

Лутф ила айлаб табассум, келди чун базм ичра ёр,  
На анга бир кимса ҳамдам эрди, на агёр ёр.

Ноз ила бошлаб такаллум деди ул дилбар манга:  
«Қайси маҳваш кўргузуб юз олди сандин ихтиёр?

Қайси бир жаллод кўз ҳолинг хароб этмиш сенинг,  
Қайси дилбар зулфига бўлдинг асир, эй дилфигор?

Қайси бир ёқутлаб дурдек тиши муштоқисан  
Ним, кеча-кундуз кўзунг ёши эрур гавҳарнисор?»

Ман дедим онинг бу янглиг илтифотини кўруб:  
«Сан эурсан бағрим этган қои, чашим — ашқбор».

Юз туман найранги бирла икки жоду наргисинг  
Ақду ҳушимни олиб қилди мани мажнуншиор.

*Деди: «Эй Феруз, келдим қулбанга танҳо бу тун,  
Хоҳ сўргил, хоҳ ўн энгу лабу энгу узор».*

\* \* \*

Ёқут лабу гавҳар тишу гунча даҳан ёринг келур,  
Насрин узору лоларух, хуршид рухсоринг келур.

Исо нафас, Юсуфи Чпи, Мусо такаллум моҳрў,  
Жаллод кўзу бераҳм дил, шўхи жафокоринг келур.

Мушкун қошу сунбул сочу моҳпайкару жонбахш дам,  
Сийминзақан, гулпираҳан, лаъли шакарборинг келур.

Меҳроразу фаррух юз, тўбиқаду ширинеухан,  
Тўти мақому гулбадан, товус рафторинг келур.

Қофирвашу ошнққушу позик мизожу тундхў,  
Савгин кўнгил, бедодгар, ёри дилозоринг келур.

Рангин адою тезфаҳм, абрўкамону хашмгин,  
Қотил нигоҳу бевафо, чашми хунхоринг келур.

Иқболу Ферузинг бўлуб ёвар санга ул позанпи,  
Лутфу карам зоҳир қилиб, бўлмоқ учун ёринг келур.

\* \* \*

Қилдилар кўзум равшан орази дурахшонлар,  
Комим этдилар ширин лаъли шаккарафшонлар.

Ноз ила карам айлаб мажлис ичра келдилар  
Орази гулафшонлар, кокили паришонлар.

Хуснига берур зийнат бир-биридин афзувроқ,  
Юзда холи ҳиндулар, лабда хатти райҳонлар.

Жонфизо табассумдин лабларин қилиб хандон,  
Қилдилар сўруб ҳолим неча лутфу аҳсонлар.

Лаъли жонфизолардин бўсалар ато айлаб,  
Бердилар фироқ ичра хаста жонга дармонлар.

Нўш этиб майи гулранг мастлиг қилиб ҳар дам,  
Бир-бири била ўйнаб чок этиб гирибонлар.

Сўз дурин нисор айла мақдамига, эй Феруз,  
Базминг ичра келмишлар бу азиз меҳмонлар.

\* \* \* \* \*

Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?  
Сарвқаду гулпираҳан, гунча даҳоним қайдадур?

Бир қиё боқмоқ била ақлимни торож айлаган  
Ул парирухсор, мужғони синоним қайдадур?

Чиқти жоним фўрқатида гул юзин кўрмай анинг,  
Жон берурга лаълидин Исо нишоним қайдадур?

Ноз ила жонимни олгон кўргузуб зулму ситам,  
Сангдилу бедодгару номехрибоним қайдадур?

Кечаю кундуз фироқида ўлар ҳолатдаман,  
Айтинг, эй аҳбоблар, жисм ичра жоним қайдадур?

Оҳу нолам чархфарсодур юзи ҳижронда,  
Билмадимким, боиси оҳу фиғоним қайдадур?

Белу оғзи ёди бирла кўзларим гирён этиб,  
Ошкоро айлаган дарди ниҳоним қайдадур?

Васли бирла шод этиб агёрларни ҳар кеча,  
Байтулаҳзонимга бўлмай меҳмоним қайдадур?

Топмадим ул гул висолидин хабар Феруздек,  
Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?

\* \* \*

Кўргач ўлдум, эй нигор,  
беқарору беқарор.

И нозингдин ўлдум субҳу шом,  
орудилфигору дилфигор.

Ишқингни охир даҳр аро,  
шкору ошкор.

Ўлгондур ман ҳазинга дам-бадам,  
орубешумору бешумор.

Жамолнинг кўргали йўлуида кўз  
орунтизору нитизор.

Амадинг сакратиб йўқ сен каби  
орубешумору шоҳсувору шоҳсувор.

Аҳса ҳар ким бўлгай ул Феруздек,  
орубахтиёру бахтиёр.

Айлади ҳайрон  
Кўргач оин борд

Чинқса рахнин с  
Қилгуси дарёйи

Ваҳ, не янглиғ  
Уйнатиб қошу

Бўркини эгри  
Итгусидур пор

Гул кўтармин  
Сайри боғ этса

Лола пойандо  
Наргис шаҳидо

Хўблиқ лофи  
Қилдил очиб

Гул юзунгни  
Кўзларим ён

Ошиқи бечор  
Йўқтурур ол

Бу жаҳон р  
Борчасидур

Айб қилман  
Айлади иш

\* \* \*

ининг меҳрига хуршиди рахшон бандадур,  
ати зебосига сарви хиромон бандадур.

ими хоб олудига наргис қилиб қурбон ўзин,  
ининг гулзорига фирдавси ризвон бандадур.

уҳпарвар нуктасига бўлгусидур қул Масиҳ,  
онфидо лаълига онинг обиҳайвон бандадур.

Даргаҳидадур Зулайҳо бир канизи камтарин,  
Партави рухсорига минг моҳи Канъон бандадур.

Лайлийи лўливашимнинг зулфи анбарборига,  
Айлабон жонин фидо Мажнуни ҳайрон бандадур.

Ул лаби ширин фироқида қолиб шому сабо,  
Васлин айлаб орзу Фарҳоди полон бандадур.

Бахт ўлуб Феруз агарчи ҳар дор оша эрса ҳам,  
Ўпмак нстаб лаъли ширинингни, эй жон, бандадур.

\* \* \*

Сакратиб майдонда рахшин ул пари жавлон қилур,  
Чусту чобукликда олам аҳлини ҳайрон қилур.

Сарвқадду гул юзин кўрмаклик айлаб орзу,  
Булбули қумри ўзин шавқ ўтига сўзон қилур.

Кўз юмуб очғунча етса ишқ султони агар,  
Ақлу ҳушу сабр қасрин ер била яксон қилур.

Ҳажридин етса жафо ул дилрабодин ҳар неча,  
Ул жафони васл умиди дардима дармон қилур.

Оҳким, ман нотавонни фурқат ўтига ёқиб,  
Васлида агёрни саршор этиб шодон қилур.

Айлабон кўксум ҳадаф, қаҳру ғазаб зоҳир қилиб,  
Қошининг ёси била мужгон ўқин паррон қилур.

Жони зоримга неча қилса ситам парвонадек,  
Боши узра айлаб ўзин нисор, онга қурбон қилур.

Илтифотингдин насиме етса, жоно, ман сори  
Боғи умидим гулини гунчасин хандон қилур.

Ёғдуруб анжум ушшоқ тошини кажрафтордин,  
Олам аҳли умрини бунёддини вайрон қилур.

Аҳли хиссат етса давлатга, замона аҳлининг  
Бир фулусл кармана учун бағрини бирён қилур.

Сабр қил Феруз, агар қилса жафо бу чархи дун,  
Сабр қилгоннинг худо мушқулларин осон қилур.

\* \* \*

Не бало, мавзун келибдур қадди хушрафторингиз,  
Ваҳ, нечук жонпарвар эрмиш шаккарин гуфторингиз!

Оби ҳайвон ўлди зулмат ичра ҳижлатдин ниҳон,  
Хатти Хизр ичра чу кўрди лаъли шаккарборингиз.

Инфиол айлаб Масиҳо чарх уза қилди уруж,  
Рухафзо бўлди чун анфоси қулсосорингиз.

Қун уётдин айлади ўзин шафақ ичра ниҳон,  
Кўрди гулгун тўп аро то отанин рухсорингиз.

Наргиси фаттон кўз очиб, қолди ҳайрон боғ аро  
Қим, қилиб наззора икки жодуйи хунхорингиз.

Очмас эрдук шўхлар ҳусни тамошосига кўз,  
Гар муяссар бўлса кўрмак бир назар дийдорингиз.

Ҳолимизга раҳм этингким, лаълингиз ҳижронида  
Нўш этиб ҳуноби гам, доим эрурмиз зорингиз.

Келди бу атворингиз расми мурувватдин йироқ,  
Ҳажрингизда биз ғамин, васл ичра шод агёрингиз.

Не сабабдин қилдингиз Ферузга нозу итоб  
Қим, ул эрди базмингиз ичра анису ёрингиз?

\* \* \*

да фаш этар ул бути танноз ноз,  
анга гўйиё ҳамдаму ҳамроз ноз.

а ул шўхға арзи ниёз айласам,  
гофул била қилғуси оғоз ноз.

айлаб қилур ишқ эли кўнглин шикор,  
магарким, анга шунқори шаҳбоз ноз.

а боқғоч қиё ҳушуму сабрим олиб,  
жунунда мани қилди сабуктоз ноз.

га тузгил десам дўстлиқ оҳангини,  
мақомин тутуб қилғусидур соз ноз.

будурким, ўлук жисмима жон бергали  
Масихо киби мўъжизапардоз ноз.

иласанг васлида ком ила Ферузлик,  
анга кўб қил ниёз, этса гар ул оз ноз.

\* \* \*

Ул қуёш очиб юзин қилди мунаввар шомимиз,  
Қолмади жону кўнгулда заррадек оромимиз.

Эй сабо, кўйи сори қилсанг гузар одоб пла,  
Ул парилар шоҳига еткур бизинг пайгомимиз.

Соқиде, бир жом пла комимни ширин айлагил,  
Ултуруб зухд аҳли бирла талх бўлди комимиз.

Келмакидин ваъда айлаб эрди, ваҳким, келмади,  
Гўйиде бўлди нушаймон ваъдадин худкомимиз.

Жон қушига эмди йўқ озодинг ул қайддин,  
Холи мушкин дона бўлмиш, зулфи анбар—домимиз.

Шукриллилаҳ, дилбарим лутфу мурувват кўргузуб,  
Сунди айлаб лаб-балаб ишрат майидин жомимиз.

Келгил, эй Феруз, қил эмди манга ҳамроҳлиг,  
Каъба кўйи сори чун боғладуқ эҳромимиз.

\* \* \*

Айлаган ҳолим хароб, эй сарвинозим, сизмусиз?  
Кўрубон қилгон ситам ажзу ниёзим, сизмусиз?

Кўргузуб нозу адо дилбарлик ойини билга,  
Жон қушини сайд қилгон шоҳбозим сизмусиз?

Равшан этган фурқатидин тийра бўлгон кўзларим,  
Меҳри рухсорин очиб, шамъи тирозим сизмусиз?

Базм этарга мажлис ичра дилраболар бўлса жамъ,  
Барча маҳвашлар ичда сарфарозим сизмусиз?

Раҳм қилмай ошиқи бечораларнинг ҳолига,  
Ишқ элига қаҳри кўпроқ, лутфи озим сизмусиз?

Масти лояқил қилиб мен зорини зухд аҳлига,  
Ошкоро айлаган пинҳони розим сизмусиз?

Лутф этиб ҳақ, бахт ўлуб, Феруз, тондим салтанат,  
Шоҳлар ичра мен эсам Маҳмуд, Аёзим сизмусиз?

\* \* \*

Ёр кўнглимдаги асрору ниҳоним билмиш,  
Ишқида ҳар неки пишҳону аёним билмиш.

Лутф бирла бу кеча келди ёнимга гўё  
Ёнғонин фурқат ўтиға тану жоним билмиш.

Чиқғонин гул юзи ҳижронида афлок узра  
Булбулосо тун-кун оҳу фиғоним билмиш.

Ҳожат эрмас анга арз айламак аҳволим  
Қим, вафо йўлида яхшию ёмоним билмиш.

Шукрим, толеъ Феруз ила бормиш хушҳол,  
Ишқида тузлуким ул қоши камоним билмиш.

\* \* \*

Айб айламанг бўлсам ул ой ишқида полон, эй рафиқ,  
Қилди ҳазин жонимни ҳажр ўтиға сўзон, эй рафиқ.

Дарду гам ҳижронида ҳолим кўруб раҳм айламас,  
Зулмин фузун айлар манга ул номусулмон, эй рафиқ.

Топғусидур ўлган бадан нутқидин онинг тоза жон,  
Лаъли лабини ҳар қачон қилса дурафшон, эй рафиқ.

Юз ноз ила ул дилрабо қилса тақаллум ногаҳон,  
Қул бўлғуси, кўрса агар, минг моҳи Қанъон, эй рафиқ.

Отиб қошининг ёсидин киррик ўқиши дамбадам,  
Бу ўқ била қилди кўнгул мулкани вайрон, эй рафиқ.

Роҳат топар жоним менинг қилса ситам ҳар неча ул,  
Жаври магар бўлмишдурур дардима дармон, эй рафиқ.

Манъ айлама Ферузни ул маҳлиқонинг ишқидин,  
Бўлмиш онинг ишқи менинг жисмим аро жон, эй рафиқ.

\* \* \*

Сайри гулшан айлаганда ул суманбар, эй рафиқ,  
Ишиқ ўтидин солди кўнглум ичра ахгар, эй рафиқ.

Ўйинотиб қошу кўзини ақлу ҳушимни олиб,  
Айлади Мажнун маш ул шўхи кофар, эй рафиқ.

Лаъли руҳафзосини ўлмак таманно айлабон,  
Бўлди кўнглум маъдани ёқуту аҳмар, эй рафиқ.

Айлагач лаъли табассум кўруб инжу тишларин,  
Доманимга тўқди кўз маржону гавҳар, эй рафиқ.

Ёғду оламни кўзумга қилди шоми тордек,  
Айлабон иннҳон юзини зулфи муанбар, эй рафиқ.

Ул париму равшан этган тийра бўлгон кўзларим,  
Кўндин индиму ва ё хуршиди анвор, эй рафиқ.

Зоҳир айлаб жавру зулму қаҳру кин Ферузга,  
Айлади ҳолин хароб ул моҳи пайкар, эй рафиқ.

\* \* \*

Оздинг ниқоб юздин, эй дилрабо, муборак!  
Хуршиддек жаҳонга бердинг зиё, муборак!

Фархунда оразингни айларга шамъи мажлис,  
Келдинг тараҳҳум айлаб бу базм аро, муборак!

Ошиқларингга васлинг кўб ваъда айлаб эрдинг,  
Бу ваъдаларга охир қилдинг вафо, муборак!

Гоҳи табассум айлаб, гоҳи такаллум айлаб,  
Иннҳону фоиқ қилдинг позу адо, муборак!

Гоҳи олиб кўлунигга танбур, ўлуб навосоз,  
Ушшоқи бенавога бердинг наво, муборак!

Чикмай усулдинки раққослиқ қилиб фоиқ,  
Юз бўса бир дирамга қилдинг баҳо, муборак!

Феруз, кўнглинг этма қошу кўзига мафтун,  
Эркан ҳаёсиз асру ул шўхи номуборак!

\* \* \*

Эй фалак, нетдим сани, душманлиг изҳор айладинг,  
Нотавон кўнглум туганмас ғамға дучор айладинг.

Солибон айру малаксиймо ҳабибимдин мани,  
Ғулсурат, девсийратлар била ёр айладинг.

Васл ила бир дам хуш этмай хотири ношодими,  
Доимо дарду фироқу ғам аро зор айладинг.

Ҳажр тигидин қилиб жисмимни сартосар яро,  
Йони зоримни машаққат бирла афгор айладинг.

Давлати васлин муяссар айлабон агёрға,  
Меҳнату ҳажриға кўнглумни сазовор айладинг.

Бир лаби майгун, кўзи хуммор ҳижрони аро  
Қон ёшим кўзда равон, жонимни бемор айладинг.

Бир йўли айланмайин Ферузнинг коми била,  
Эй фалак, нетдим сани, душманлиг изҳор айладинг.

\* \* \*

Ҳусн авжининг хуршидидур, эй моҳсиймо, оразинг,  
Балким, латофат ичрадур ондин ҳам аъло оразинг.

Қун зоҳир айлаб инфиол ўлди шафақ ичра ниҳон,  
Субҳи саодатдин тулуъ этгач мусаффо оразинг.

Сарв узра очилмиш гули аҳмар дебон ҳасрат қилур,  
Қўрган киши қаддинг уза бу навъ зебо оразинг.

Ҳусну латофат рамзини ишқ элига билдургалл,  
Гулгун саҳифа устида хат қилди пайдо оразинг.

Қўнглум қуши булбул киби тинмай наво чекса, нетонг  
Ким, они бу навъ айламиш хушлаҳи гўё оразинг.

Ишқингдин ўлганлара бер, жоно, ҳаёти тозаким,  
Лаълингдин этмиш чашмайи ҳайвон ҳувайдо оразинг.

Тушму экандур, ё хаёл айлаб табассум бўйнума,  
Илқинг солиб қўйдинг юзим узра, дилоро, оразинг.

Бўлса кўзумға ёгду қун тундек қоронгу, не ажаб  
Ким, зулфи шабранг остида қилмишсан ихфо оразинг.

Шаҳло кўзу мушкин қошу холи муанбарлар била,  
Зийнатлиг этмишдур, баса, тангри таоло оразинг.

Сабру қарору тоқатим борди кўпгулдин, эй пари,  
Васлинг аро бир дам кўзум қилгоч тамошо оразинг.

Иқболи Ферузнинг киби бўлмоқ тиларман мунисинг,  
Ешурма ҳақ ҳаққи учун, эй шўҳи якто, оразинг.

\* \* \*

Кўнглумга солди, ваҳ, ишқ ўтинким бир гамза бирла  
Қилди кўзумга оламини тийра юз узра тушган зулфи  
тарзи нигоҳинг,  
сиёҳинг.

Қилгоч тамошо меҳри жамолинг ишқинг гамига бўлдум  
Елгуз эканму бу дилраболиг, бордурму ёхуд меҳри  
гирифтор,  
гнёҳинг.

Сан ҳусн авжи узра эурсан то бандаини ойдек шоҳ, магар  
Ким, дилраболар тенгрангдадурлар андоқки ҳайли анжум  
сипоҳинг.

Ою қуёшга қилмас назора гар кўрса ушшоқ ҳайратлар  
Жоно, қамардек рухсоринг ила хуршид, гавҳар заррин  
айлаб,  
кулоҳинг.

Айни карамдин қилгил назора айлаб тараҳҳум ҳолимга,  
Бўлсун, илоҳи, ҳусн авжи узра мундин буюкрак иқболу  
эй шўҳ,  
жоҳинг!

Ҳажр ичра ғамдин ўлмакка етдим раҳм айлаб эмди,  
То барча коминг айлаб муяссар бўлсун ҳамиша тангри  
бўлгил паноҳим,  
паноҳинг!

Феруз, ёринг ортуқроқ айлар жонингга ҳар дам жавру  
Гар тавба қилсанг оллида йиглаб ўтмасму эркан журму  
жавосин,  
гуноҳинг!

\* \* \*

Ёқутдурму билмадим ё лаъл, эй жонон, лабинг,  
Ё оразинг гулзорида борму гули хандон лабинг.

Лаълингги бир ўпмак била топтим ҳаёти жовидон,  
Иъжози Исому экан ё шарбати ҳайвон лабинг.

Кулгу чоғи зоҳир бўлур бу мусаффо тишларинг,  
Гўё алардур бебаҳо дур, ҳуққайи маржон лабинг.

Кўздин тўқуб ҳижрон аро доим сиринки лолагун,  
Ўпмаклик айлаб орзу тун-кун ютарман қон лабинг.

Минг бебаҳо ёқут лаъл инъомидин ортуқ дурур,  
Бир сўрғоли бу зоринга қилсанг агар эҳсон лабинг.

Гар бўсайи лаълингга жон нақдин қилур эрсанг баҳо,  
Олгум, нединким, бир ўпуб ўлганга не армон лабинг.

Доим кўнгулда сақлабон пинҳон лабингинг шавқини,  
Эмди етибман ўлгали, ўптир манга пинҳон лабинг.

Ўтлуғ замиримга менинг доғ узра қўйгон доғлар,  
Жон нуқтасидек холлар зоҳир қилиб ҳарён лабинг.

Феруз жаннат равзасин гар ыстамас, эрмас ажаб  
Ким, оразинг жаннат гули, кавсар суйи, эй жон, лабинг.

\* \* \*

ичра гавго, эй малаксиймо, кўзунг,  
нимни торож айлади тарсо кўзунг.

жон асрағайман кўзу қошинг олдида,  
леусидур жонимни бир кун ё кўзунг.

қилсам агар, лутф айлаб, этмас бир нигоҳ,  
бераҳм эрур, эй орази хумро, кўзунг.

да лабларинг қилса табассум ногаҳон,  
ужгонинг ўқ айлар, қошингни ё кўзунг.

ртуқроқ айлар дам-бадам ушшоқға,  
им халқ қилмиш холиқи ашё кўзунг.

солиб қўлумни, қошинга қурбон ўлуб,  
майгун лабинг ўпсам, гоҳи шаҳло кўзунг.

зҳори ажз этсам агар Феруздек,  
р зулмини, кам айламас асло кўзунг.

\* \* \*

Келди очиб гул юзин базмимга жононим менинг,  
Кўзу қошига фидо бўлсун дилу жоним менинг.

Гул юзун юз пора айлар лола, гарқи хун ўлур,  
Келса гар гул сайрига сарви хиромоним менинг.

Кўзи жаллоди агар жонимни олса ғам эмас,  
Тозадин жон бергуси ул лаъли хандоним менинг.

Равшан этди фурқатида тийра бўлгон кўзларим,  
Меҳри рухсорин очиб хуршиди тобоним менинг.

Очса сўз айтурга лаб мажлисида маҳвашлар агар,  
Борчасин мулзам қилур шўҳи сухандоним менинг.

Анбарафшон зулфин этмиш орази узра ниқоб,  
Қон тўкар кўрмак тилаб бу чашми гирёним менинг.

Келди базмим ичра, эй Феруз, ул дилбар букун,  
Кўнглига таъсир қилмиш оҳу афгоним менинг.

\* \* \*

Арақнок оразингга зулфи мушкнининг ниқоб этдинг,  
Еқиб ҳажр ўтига жону дилу бағрим кабоб этдинг.

Қилиб пинҳон юзунгни ман ҳазини нотавонингдин,  
Фироқ ичра кўюб, жоно, ики кўзум нуроб этдинг.

Мурувват қилмадинг ҳолим кўруб, эй сангдини золим,  
Чекиб жавру жафо тигин, кўнгул мулкни хароб этдинг.

Не журм этдим, солиб қошингга чин қаҳру ғазаб бирла,  
Мани беҳонумонингга итоб узра итоб этдинг.

Очиб лаълинг такаллумга келиб бошим уза букун,  
Сўруб ҳолим, биҳамдиллаҳ, нигоро комёб этдинг.

Ва лекин келдинг, эй дилбар, қилурга кўзларим равшан,  
Недин ўлтурмайини кетмакка умросо шитоб этдинг.

Кўюб Ферузни ҳижрон қаро шони аро ёлғуз,  
Бориб агёр ила суҳбат тузуб, базми шароб этдинг.

\* \* \*

Кетур соқиё бодаи лаъланг,  
Онинг нашъасидин бўлуб бедаранг.

Солай шўри ғавво жаҳон аҳлиға,  
На Руму на Русу на қолсун Фаранг.

Балову ғами шиқ кўҳсориди  
Эрурман жаён шери горрон паланг.

Ки то ихтиёр айладим шиқини,  
Егар кўҳи ғамдин бошим узра санг.

Бало даштидаю шиқ саҳросида,  
Кўзум хира бўлмиш, оёқ доғи ланг.

Жувуним зиёд ўлса ҳар дам нетонг,  
Нигорим бағоят эрур шўҳи шанг.

Агар жамъ бўлса жаҳон маҳваши,  
Бўла олмағай ул пари бирла танг.

Вафо кўрмайши ҳеч бир дўстдин,  
Бўлубман жаҳон аҳлидин асру танг.

Тама қилма даҳр ичра ҳар дундин,  
Тамадин борур элга номусу нанг.

Тавозени айла ўзингга шиор,  
Ҳаво бирла нафсингга берма маланг.

Бу базм ичра Ферузга дам-бадам,  
Кетур соқиё бодаи лаъланг.

\* \* \*

Базмига келди бу кеча бир сарвқомат, эй кўнгул,  
Бошдин оёқидур онинг кони малоҳат, эй кўнгул.

Боқиб кўз учидин қиё пинҳон агар қилса нигоҳ,  
Бордир анинг ҳар боқиши юз жонга офат, эй кўнгул.

Бўл шоду хуррам, кўргузуб тутти санга ул мугбача  
Ўз илки бирла жоми май лутфу мурувват, эй кўнгул.

Аввал дедим тарк айлагил ишқини, бовар қилмадинг  
Қилма жафосидин онинг эмди ишқоят, эй кўнгул.

Сарв ила гул гулшан аро гар кўрса қадду оразини  
Тунгай аларнинг бошига шўри қиёмат, эй кўнгул.

То ул париваш дилрабо ишқига бўлдим мубтало,  
Зухд аҳли кўб қилди манга таъну маломат, эй кўнгул.

Чун тийра кулбам айлади равшан маҳи рухсоридин,  
Ҳижрон қоронгу шомидин топдинг фароғат, эй кўнгул.

Феруз ўлуб бахтинг ул ой васлига етсанг ,нежаб,  
Чекмиш эдинг ҳижронида кўп ранжу меҳнат, эй кўнгул.

\* \* \*

Гул юзунг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил,  
Меҳри оразинг узра коқулнинг наришон қил.

Илқинга олиб соғар, нўш этиб майи гулранг,  
Жонфизо табассумдин лабларингни хандон қил.

Азми гулистон ила зулфунга бериб зийнат,  
Рашик ўтига сунбулнинг пайкариши сўзон қил.

Кўзунга чекиб сурма, юзунга уруб ғоза,  
Лола бирла наргисни ул иқовга ҳайрон қил.

Рашик тийидин қилсун гул юзини юз пора,  
Тулшан ичра рухсоринг ҳар тараф намойн қил.

Ҳасрат ўтига куйсун қоматинг кўруб шамшод,  
Қадди позпарвардек ноз ила хиромон қил.

Лутф этиб агар ёринг келса базмига, Феруз,  
Бу азиз жонингни мақдамига қурбон қил.

\* \* \*

Очилмиш гул, етурмиш бога зийнат, эй санам келгил,  
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла жоми Жам келгил.

Даме нозингни тарк этгил, кўруб ушшоқ аҳволин,  
Тузуб меҳру вафо расмин, қилиб лутфу карам, келгил.

Муҳайё айлабон гулшанда айшу ишрат асбобин,  
Кўнгул кўзгусидин зопл қилурга занги гам, келгил.

Тўшаб баргини гул ер узра, тортар интизорингни,  
Гулистон ичра гул барги уза кўюб қадам, келгил.

Хаводур мўътадил ҳам фасли гулдур, кеча ҳам моҳтоб,  
Тузуб мажлис, ичарга лолагул май дам-бадам келгил.

Чаманлар сабзи хуррам, ҳавзлар лабресу гул хандон,  
Билиб бу файзлиг мавсумини асру мугтанам келгил.

Олиб бурқачъ жамолингдин қилурга кўзларим равшан,  
Жафою жавру, зулмингни қилиб бир лаҳза кам келгил.

Гаҳи айлаб баҳона гул терарга, бу ҳазинингни  
Қилурга ҳайли ушшоқ ичра, жоно, муҳтарам, келгил.

Санга Феруз эрур бир қул, вале ҳажрингдадур ношод,  
Бу қулни шод этарга, эй нигори муҳташам келгил.

\* \* \*

Қатлинга қасд айламин ул чашми хунхор, эй кўнгул,  
Бергали жон ишқ аро бўл эмди тайёр, эй кўнгул.

Кўнглинга қилмас асар оху фигонинг негаким,  
Маркаби қаҳр узра рокиб бўлди дилдор, эй кўнгул.

Ўани гар юз пора қилсанг ранк тивидин, не суд,  
Давлати васлига йўл топмишдур агёр, эй кўнгул.

Дину имонингни горат айламакка кўргузур  
Ишваю нозу адо ул шўхи айёр, эй кўнгул.

Асрагил ишқини жонинг ичра то жон борича,  
Қилмагил ҳеч кимсага меҳрини изҳор, эй кўнгул.

Гар десанг фориг бўлай рашку фироқ ошубидин,  
Маст ўлуб доим замоне бўлма ҳушёр, эй кўнгул.

Васлига етмак муяссар бўлса жон нақдин бериб,  
Ул матоъига ўзинг қилгил харидор, эй кўнгул.

Ҳажрида гар чиқса жонинг бир табассумдин сенинг,  
Бергуси жон жисминга лаъли шакарбор, эй кўнгул.

Ул парининг кўзу қошу хатту ҳолига, магар,  
Сан доғи Феруздек бўлдунг гирифтор, эй кўнгул.

\* \* \*

Ераб ўлгайму муяссар манга жонон ила базм,  
Сочи сунбул, юзи гул, лаблари хандон ила базм.

Бир кеча ҳужрани агёрдин айлаб ҳоли,  
Этмак бўлгайму раво ёри қадрдон ила базм.

Айласам меҳри узори била кўзни равшан,  
Зарра андоқки қилур меҳри дурахшон ила базм.

Шарҳ этиб ҳажрида кечган қатиф аҳволими,  
Тонггача айласам ул шўхи сухандон ила базм.

Солибон бўйнига илкимни, сўруб лаълидин,  
Айласам нўш лаби дардима дармон ила базм.

Ғаму андуҳ уйидин ҳазрати Яъқуб киби,  
Чиқибон шод ўлуб этсам маҳи Канъон ила базм.

Бахти ёварлиғ ила Феруз айлаб иқбол,  
Ераб, ўлгайму муяссар манга жонон ила базм.

\* \* \*

Оҳким, бир дилрабо ишқиға дучор ўлмушам,  
Холин истаб, доми зулфиға гирифтор ўлмушам.

Лаълидин ўпмак тилаб, тонмай муроду мақсадим,  
Новаки мужғони бирла сийнаафғор ўлмушам.

Ҳар неча васлини тилаб, жон жавҳарин қилсам фидо  
Тонмай онинг илтифотин дийдахунбор ўлмушам.

Бир тараҳҳум айламас ҳолим кўруб сангдил,  
Оллоҳ-оллоҳ, мубталойи бўйла дилдор ўлмушам.

Равшан этмак истабон хоки қудумидин кўзим,  
Ёстонибон йўли узра туфроқосор ўлмушам.

Оҳким, айлар манга ҳар кун итоб узра итоб,  
Билмай онинг боисин кўб ҳоли душвор ўлмушам.

Зарра янглиғ изтироб этсам, не тонг, Феруздек,  
Гар қуёшпрухсора дилбар ишқида зор ўлмушам.

\* \* \*

Ул санамга ўзга раҳбон бор экандур, билмадим,  
Кўнгли онинг мойили ағёр экандур, билмадим.

Ман тиларман равшан этмак кўз жамолидин анинг,  
Мақсади қилмоқ кўзум хунбор экандур, билмадим.

Айлаган горат кўнгулдин ақлу ҳушу доишим,  
Бир шакарлабе шўҳи айёр экандур, билмадим.

Васлига етмак тилаб чекдим баче ранжу тааб,  
Лек ул дилбарга мандин ор экандур, билмадим.

Ҳар кеча ағёр базмин равшан этган бориб ул,  
Қоқили мушкин, кўзи хунхор экандур, билмадим.

Айламас назвора ҳаргиз неча жон қилсам фидо,  
Эй кўнгул, сандин магар безор экандур, билмадим.

Ҳар кеча хуршид ўзин айлар ҳижолатдин ниҳон,  
Анга баче ул қуёшрӯхсор экандур, билмадим.

\* \* \*

Тангри афзун айласун ҳуснингни, эй зебо санам,  
Тинмасун даврони дундин кўнглинга бир зарра гам.

Не эса кўнглинг муроди, ҳақ муяссар айласун,  
Нахли қаддингни ҳазондин асрасун айлаб карам.

Кўргузуб лутфу иноятлар санга ҳайи қадим,  
Хусн иқлимида қилсун подшоҳи мухташам.

Рози бўлғайлар санга бўлмоқға даврон аҳли қул,  
Чунки бермиш ҳақ санга бу ҳусн ила ҳулқи шнам.

Йўлуи узра ўнмак истаб раҳшинг эрди тупроғинг,  
Бу жаҳон маҳвашлари қилишидурур қаддини хам,

Бошинга руҳи равонимни нисор этгумдурур,  
Кўргузуб лутфу карам ман сори қўйсанг бир қадам.

Ройи ул кофирни эрмиш дин элин қатл айламак,  
Кофир ўлса, иш анга албатта бўлғуси ситам.

Наргиси жаллодинга жоним фидо қилсам неча,  
Ҳолима раҳм айламас, айлар ситамлар дам-бадам.

Жавр қилма ҳуснингга мағрур ўлиб бу даҳр аро,  
Дўстларнинг суҳбатини, эй санам, бил муғтанам.

Эй муғанний, тузубон созинг наво оҳангида  
Уқурил созинг аро ушбу газални зеру бам.

Неажаб Феруз ўз ёри билан бу базм аро,  
Ултурубки тахтида ичса лаболаб жоми Жам.

\* \* \*

Ики маҳваш бу кеча базмим аро тутди мақом,  
Бириси меҳри дурахшон, биридур моҳи тамом.

Бири ўлтурса қазабдин, бири тоза жон берур,  
Бири бўлса талх ҳадис, биридур ширин калом.

Масти лояқил қилурга мажлис аҳлини тамом,  
Бири олиб шишани илқиға, яна бири жом.

Бирини лаъли лабида зоҳир ўлмиш сабзи хат,  
Хусн Мисрида бири Юсуфгадур қойиммақом.

Бириси лаъли лабидин дур сочиб ўкур газал,  
Бириси танбур олиб илқиға чертар зеру бам.

Бириси олиб суроҳий ўлтуруб минг ноз ила,  
Бири коса бермак учун базм аро айлаб хиром.

Бириси базм аҳли кўзин равшан айлар юз очиб,  
Зулфи юзига бўлуб бирининг ниқоби мушкфом.

Жону кўнгул булбулин сайд айлади ул ики шўх,  
Бири холин дона айлаб, бириси зулфини дом.

Ичгил ишрат жомини, Феруз, ул ики ёр ила,  
Ул ики маҳвашни ўлгай ҳусни доим мустадом.

\* \* \*

Лаъли ширинингни таъриф айлаб ўлмиш шаҳком,  
Анварю Фазлию Ҳоқонийи Маспад мудом.

Чашми фаттонингга наргисни нечук тапбиҳ этар,  
Сойибу Бедил, Ҳилолий, Ҳофизи ширинкалом.

Ваҳ, не янглиғ шарҳ қилгай оразинг тавсифини,  
Унсурю Асжадию Фарруху Саъдий, Ҳумом.

Кўрса ҳуснинг Лайлию Ширинни васф этмас эди,  
Хисравю ҳам Навоий, Жомию Шайх Низом.

Ухшатиб бўлмас янги ойға муқаввас қонларинг,  
Сайидою Нозиму Лутфию Киромий, Хисом.

Сарвосо қоматинг васфин қилурда лол ўлур,  
Авдалибу Равнақу Зийрак масаҳи хушкалом.

Оғаҳию Комилу Феруз, Холис, Чоқаринг,  
Рожию Мирзою Акмал, Мувису Хокий, Гулом.

\* \* \*

Сайри боғ этсанг агар, эй сарв қадду гулбадан,  
Сарв айқингга қўяр бош, чок этар гулшираҳан.

Айламансан раҳм олтундек рухи зардим кўруб,  
Дилраболиқ расми бу навъ ўлғаму, эй сийман?

**Кўрса** рафторингни гар боғ ичра кабки хушхиром,  
**Баида** бўлган жилвайи қаддингга ул, андоқки ман.

**Шона** олиб, юз уза зулфинг паришон айлагач,  
Ер юзин қилди муаттар бўйи райҳону суман.

Бўлмағай озурда ниши кирпикимдин деб танинг,  
Қўрқарам, гар кўз уйин мардум киби қилсанг ватаи.

Оразинг боғида икки наргисинг кўрган киши  
Дерки, Чин гулзори ичра кирминг оҳуйи Хўтан.

Базми васлинг ичра махрам айлагил Ферузни,  
Чунки ҳижронингда ул бечора чекминг кўп миҳан.

\* \* \*

Базминга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,  
Чоксам, нетонг, ўтлуғ наво, ул навъким, булбул букун.

Бўлди машоим мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,  
Юз узра ёминшдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнгулмга таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб  
Ким, гулузорим илқида мийно қилур қулқул букун.

Сармасти саҳбо бўлголи чиний қадаҳни тўлдуруб,  
Аввал ўзи нўш айлабон тутди манга ҳам мул букун.

Ул оташни юзпи кўруб, гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтига ўртаниб, бўлмиш вужуди қул букун.

Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик пазор айладинг,  
Бу беадаблик бўйингга тасбеҳинг этминг гул букун.

Гарчи эрурман толеп Феруз ила оламга шох,  
Лек ул парилар сарварин олдидадурман қул букун.

\* \* \*

Тараҳҳум айлагил, эй шўҳким, ишқ ичра зорингман,  
Гирифтори каманди тору зулфи мушқборингман.

Кўнгулда қолмайин бир зарра чоқлиғ тоб ила тоқат,  
Юзунг хуршиди ҳижронида тун-кун беқарорингман.

Кел, эй лайливашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида кезган ошиқи мажнуунишорингман.

Кўзумни айла равшан меҳр янглиғ оразингдинким,  
Бўлубтур тийра, асру торта-торта интизорингман.

Муруватдур муқарраб даргаҳингдин айламак маҳрум  
Маниким, маҳрами рози ниҳону ошқорингман.

Жафо тошин уруб кўб, қилмоғил мажруҳ бошимким,  
Вафо боғида бутган бир ниҳоли мевадорингман.

Нягоро, ижтиноб этмак недур ман зори ҳайрондин  
Ки, сансан бир гули хандон, мане бечора хорингман.

Манга айлаб лабслаб дамбадам соғар тут, эй соқий,  
Қўлунгдин бода ичмай, муддатедурким, хуморингман.

Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекни  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандайи беътиборингман.

\* \* \*

Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон  
Фигону фиғону фиғону фиғон.

Юзунг то мани зордин айладинг  
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Кўзумга қоронғудир ондин бери  
Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

Тиларман кўзунг фитнасиндин мудом  
Омону омону омону омон.

Эрур қошларинг ишқ эли қатлига  
Камону камону камону камон.

Гули ҳуснушга етмасун даҳрдин  
Хазону хазону хазону хазон.

Кел, эй шўҳ, Феруз кўксини қил  
Мақону мақону мақону мақон.

\* \* \*

Бир дам айлаб ҳолима лутф ошкор, эй гулбадан,  
Кулбама гул-гул очиб келгил узор, эй гулбадан.

Мушк иси бу тун димоғимни муаттар айлади,  
Юз уза ёйдингму зулфи мушкбор, эй гулбадан.

Лабларинг кавсар, қадинг тўби, юзунг жаннат гули,  
Ҳар сўзунг бир гавҳаредур обдор, эй гулбадан.

Гулшан ичра гул киби кўргач узоринг, айлади  
Барги нақдин гул оёқингга нисор, эй гулбадан.

Юз очиб чун сайри боғ айларга келдинг, айладинг  
Гул юзунгга булбули кўнглумни зор, эй гулбадан.

Ошиқи бейхтиёрингман, вафо айлаб манга,  
Айлагил машуқликни ихтиёр, эй гулбадан.

Орази хуршид тимсолинг тамошо айлагач,  
Зарра янглиғ кўнглуми ўлди беқарор, эй гулбадан.

Зулфу қаддинг иштиёқида фалакка чирмашур  
Ҳар тун оҳимдин сууд этган шарор, эй гулбадан.

Киргил оғушимга жон ичра алиф янглиғ бўлуб,  
Дилраболик шевасин айлаб шиор, эй гулбадан.

Не эса кўнглумда коминг тангри мавжуд айласун,  
Доим ўл Феруз бахтинг бирла ёр, эй гулбадан.

\* \* \*

Оразинг даврида ҳар ён зулфи анбарму экан?!  
Йўқса, ганж устида ётгон икки аждарму экан?!  
11

Юзларинг май тобидин қилгон арақларму аён,  
Моҳи анвар даврида бир неча ахтарму экан?!  
11

Тишларинг дурму бўлур зоҳир табассум айлагач,  
Ҳуққайи ёқут аро бир неча гавҳарму экан?!  
11

Кўзларингдурму икки қош остида қилгон макон,  
Дайр тоқи ичра ёхуд икки кофарму экан?!  
11

Лаъли жонбахшида борму холи мушкни, йўқ эси,  
Чашмайи ҳайвонда ёзилгон нуқатларму экан?!  
11

Оразидин тийра кулбам равшан этган бу кеча  
Моҳи анварму ва ё ул ҳури найкарму экан?!  
11

Элни ҳайрон айлаган, Феруз, ҳуснига сенинг  
Дилбарингму ё бизинг сарву суманбарму экан?!  
11

\* \* \*

Манга, эй дилрабо, мунча итоб этмак недур, билмон,  
Ҳазин жонимга жавринг беҳисоб этмак недур, билмон.

Чекиб йиллар фироқинг ранжини, топсам агар васлинг,  
Кетарга умрдек бир дам шитоб этмак недур, билмон.

Эрур кўнглум фироқинг ичра ашқим селидин вайрон,  
Яна ортуқроқ они хароб этмак недур, билмон.

Ёқиб ишқинг ўтига сарбасар жони низорим ҳам  
Куюк бағрим кабоб узра кабоб этмак недур, билмон.

Бу гулшанда очилмоқ хорсиз гул мумкин ўлғойму,  
Нигоро, мендин асру ижтиноб этмак недур, билмон.

Хумори бодаи васлинг бўлуб Феруз, ағёринг  
Шароби лутф бирла комёб этмак недур, билмон.

\* \* \*

Келдингму ибодатга, эй маҳлиқо, букун,  
Етушти қудумингдин дардимга даво букун.

Упсам лаби жонбахшинг, жонимга етар роҳат,  
Бўлмоқинг анга монеъ бўлғайму раво букун.

Журмим недур, эй маҳваш, билмасман, аён этгил,  
Қаҳринг бўладур афзун ҳар лаҳза манго букун.

Ақлу хирадим олиб, расвойи жаҳон этдинг,  
Бир жилва қилиб зоҳир, эй кўзи қаро, букун.

Ўлмакка ёвуқ етдим тортиб гами ҳижронинг,  
Ҳолимга қарам айлаб, ман сори қаро букун.

Эй соқийи гулчеҳра, жомингни қилиб мул-мул,  
Қилгил мани зорингга пайдар-пай ато букун.

Қошу кўзунгга қурбон бўлса, нежаб, Феруз,  
Сан киб паривашни етқурди худо букун.

\* \* \*

Айб эмастур лутф уммид айласам жонондин,  
Ринтайи уммид узмас бандаси султондин.

Васлин айлаб орзу туп-кун ажаб ҳайратдаман,  
Қон тўкуб ёш ўрнига бу чашми хунафшондин.

Гар кўриб мажнуулигимни ишқида лайливашим,  
Айламас зоҳир табассум ул лаби хандондин.

Ваҳ, нечук золимдурур жону кўнгулга етгуси,  
Дамбадам зулму сятма ул наргиси фаттондин.

Олма кўзгу илқинга ҳуснинг тамошо қилғоли,  
Қил тамошо оразинг бу дийдаи гирёндин.

Ҳар киши бош ўйнай олмас ишқининг майдонида,  
Ўйнагой, бошин ул одам кечса аввал жондин.

Ишқни кўнгулда пинҳон асрамоқ мушкулдур,  
Зоҳир ўлгай ошиқ этган нолаю афгондин.

Бевафодур бу жаҳон раъноси, биллаҳ, эй кўнгул,  
Кўрган эрмастур бурунгилар вафо даврондин.

Ёлбориб бошим оёқиға қўюб Феруздек,  
Айб эмастур лутф уммид айласам жонондин.

\* \* \*

Жавр қилмоқдин ҳазар қил жонима, эй нозанин,  
Ҳақ каломида деминдур «ла-йухиббу-з-золимин».

Ҳар неча жавр айласанг ишқингни тарк этмас кўнгул,  
Бу сўзумни бовар этмассан агар ичқум ямин.

Етса жонондин жафо, сабр айла, эй маҳзун кўнгул,  
Сабр қилгон ҳаққида новил «йухиббу-с-собирин».

Эй ситамгар, айлагил мазлум оҳидин ҳазар,  
Не учунким келгусидур ларзаға аршин барин.

Сақласун солим ҳаводис тундбоддин мудом,  
Наҳл қаддингни санинг ҳаллоқи рабб-ул-оламин.

Тишларинг дурму лабини қилса табассум кўрунур,  
Ё магар ёқут ҳуққа ичрадур дурри самин.

Кўрмади даврон кўзи йиллар ўтуб бу даҳр аро  
Сен киби ширин лаб узра ғаддору маҳжабин.

Лаъли майғунинг хаёли бирладур қонсё мудом,  
Обиҳайвон орзусин айламас жони ҳазин.

Қилгуси Феруз сўзидин бошинг узра нисор,  
Юз очиб келсанг агар мажлис аро эй нозанин.

\* \* \*

Шўхлиқидин дер манга ул дилбари сийминбадан:  
«Хоҳ ўшгил, хоҳ қуч энгу миён, энгу даҳан».

Сайри гулшан айласанг кўргач тилар қилмоқ ўзин,  
Сарв бўлмоқ қаддингга қул, зулфингга банда суман.

Меҳри рухсорингни гар кўрса ҳижолатли қилур,  
Ўзини гул-гул шафақ ичра ниҳон шоҳи Хўган.

Кўрмамиш ҳеч кимса сандек ҳусн гулзори аро,  
Гулузору гулжабину гулбадану гулпираҳан.

Фурқатинг Ферузга бўлди узоқ, эй нозанин,  
Не бўлур энди келиб кўкси уза қилсанг ватан.

\* \* \*

Эрур жавринг менинг дардимга дармон,  
На дармон, балкидур, жисмим аро жон.

Билур ҳоли паришонимни улким,  
Эрур гар дилбари кокил паришон.

Фироқида ишимдур кеча-кундуз  
Ҳазин булбул киби фарёду афғон.

Бўлур жону кўнгул қурбони онинг,  
Қади сарвин бу ён қилса хиромон.

Қилиб ниҳон юзин ман нотавондин,  
Кўзумни қилди ҳижронида гирён.

Кўруб раҳм айламас ҳоли харобим,  
Ғами ишқи аро ул номусулмон.

Очиб хуршиддек рухсорин ул ой  
Кўзига айлади кўзумни ҳайрон.

Қилиб лутфу карам ул шўхи тарсо,  
Келиб базминни қилди рашки сўзон.

Бўлуб Феруз бахтинг, эй суманбар,  
Ҳамиша бўлбосан маеруру хандон.

• • •  
Ёр саркашу чарх золим айлади багримни хун,  
Бирн бўлсун ром, ёраб, бири бўлсун сарнигун.

Солбон ағёр сўзига қулоқ ул дилрабо,  
Қилгусидур жавру зулмин жонима ҳар дам фузуб.

Соқидё, айлаб карам бир жом тут мен зорға,  
Май хумори шиддатидин ҳолим ўлмишдур забуб.

Солди бир ой ҳажрида жони ҳазиним ичра ўт,  
Ёраб, ўлгай ерга яксон гунбази гардуни дун.

Бўлголи то ул парилар сарварига мубтало,  
Жаври зулминг бўлгуси мен зорға ҳаддин фузуб.

Зори саргардон қулингман водийн исён аро,  
Айлагил лутфингни, ёраб, ман ҳазинга раҳнамун.

Бахт ўлуб Феруз, давлат ёр ўлуб, суҳбат тузуб,  
Бу кеча ичдим ул ой бирла шароби лолагун.

Қилмиш азалда сунъи ҳақ ҳусн ичра якто оразинг,  
Ою қуёшга ўхшамас ҳаргиз мусоффо оразинг,  
Кўрган киши ақлин қилур ҳайрону шайдо оразинг,  
Жонбахш лаълинг узра хат то қилди пайдо оразинг,  
Жамъ айлади хуришид уза Хиэру Масиҳо оразинг.

Бир тун менинг кулбамга, эй маҳваш, карам рахшини сур,  
Очиб узорингни қаро шомига равшаплиг етур  
Ким, сандин эҳсопу карам зоҳир бўлур вақтида кўр,  
Ойдек юзунг маҳжурлар шомп ғамини ёрутур,  
Партав менинг шомимга ҳам солгойму, оё, оразинг.

Лутф айлабон ман зорға, эй сарвқадди маҳлиқо,  
Кўйгил қадам кулбам аро очиб узори дилкушо,  
Токи чекарман оразинг кўрмак тилаб ранжу ано,  
Жонинг учун раҳм айлабон кўргуз юзунгким ҳажр аро,  
Жонимга етдим айлабон кўрмак таманно оразинг.

То шиқинг ичра эй пари, девопан зор ўлмушам,  
Ҳажрингда ғам тирноғидин аъзонн бир-бир юлмушам,  
Гулдек узорингни тилаб гулбарги янглиг сўлмушам,  
Рози ўлумга оразинг ҳажри ғамидин бўлмушам,  
Ўлтур мани ё тиф ила, кўргуз мапга ё оразинг.

Қатъ этгали юз урмушам то фурқатинг тоғу тузин,  
Олмон қулогимга ғаминг таркида носихлар сўзин,  
Майл этмагум гар хўблар ҳар неча арз этса ўзин,  
Кўз солмагум жаннат аро филмону ҳур очса юзин,  
Ким, мақсадим кўюнг аро қилмоқ тамошо оразинг.

Ҳаргиз зулмат йўли сори ғайрат била юз урмамиш,  
Гулзору кўюнг сайрига саъй ила маркаб сурмамиш,  
Ўзин тамошойн қаду рухсоринга еткурмамиш,  
Зоҳид тилар жаннат, гули сарвдин магарким кўрмамиш,  
Лутф ичра зебо қоматинг, ҳусн ичра якто оразинг.

Ферузнинг арзи будур сан хўблар шоҳигаким,  
Бўлма сабаб жавр айлабон ҳар дам онинг оҳигаким,  
Бир лутф ила таскин етур фарёду жонкоҳигаким,  
Ишқинг ўтига куйгуси, раҳм айла Огаҳийгаким,  
Токим кўрубдур бир назар ул зори шайдо оразинг.

## МУСАДДАСЛАР

\* \* \*

Субҳким, ул сарви гулрўх сайри гулзор айлади,  
Сарву гулға қадду рухсорин намудор айлади,  
Сарв қаддига эғиб бош қуллуқ изҳор айлади,  
Гул юзин суртуб оёқига ўзин хоп айлади.  
Ришк киғи жон ила кўнгулни афгор айлади.  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади,

Бир нафас қилғоч назора ул қуёш рухсорға,  
Жон кўнглум қолди ишқи ранжидин озорға,  
Айласам жоним фидо боқмай ман беморға,  
Ҳар нафасда кўргузур юз илтифот ағёрға,  
Айламас бир раҳме зоҳир ман ғарибу зорға,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Жонфизо лаълин такаллумга ойурса ногаҳон,  
Ҳар каломидин топар ўлган бадан руҳи равон,  
Гўйиё улдур бу даврон ичра Исойи замон  
Ким, киши кўрмайдур андоқ маҳваши ширин забон,  
Айб қилманг, истаб оми, айласам оҳу фигон,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Хўб эмастур қадди тўъби қомати рафгорича,  
Дилкаш эрмас равзан ризвон юзи гулзорича,  
Йўқтурур хуршид нури жабҳаи анворича,  
Сунбул эрмас атрпарвар зулфи анбарборича,  
Тонг эмас, васлин талаб қилсам агар жон борича,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Оҳким, тарки муҳаббат айлабон ул дилрабо,  
Нотавон жонимға кўрди ҳажр андуҳин раво,  
Мунча ҳам бўлғойму бир бедилға қилмоқлик жафо,  
Дилраболиғ расмида аввал қилиб меҳру вафо,  
Сўнгра қилди меҳнат ҳижрони бирла мубтало,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Ул қуёшдин айру бир зарра қарорим қолмади,  
Ақлу ҳушим кетди-ю, сабр-ихтиёрим қолмади,  
Дарди ҳижрон чеккали таңда мадорим қолмади,  
Васл учун айлаб гадолиқ напгу орим қолмади,  
Йиғламоқдин ўзга ҳажр ичра широрим қолмади,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Ишқ мулкда эдим Ферузбахту комкор,  
Амрима маъмур эрди неча шўхи гулузор,  
Лекин онн кўргач ўлдум бандаси бейхтиёр,  
Қолмайини кўнглум аро бир заррача сабру қарор,  
Ақл ила ҳушу хирадини қилди маддин беқарор,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

\* \* \*

Ул пари эғнида гулранг либосини кўрунг,  
Меҳрдек оразининг нуру зиёсини кўрунг,  
Нутқи жонбахшу лаби руҳафзосини кўрунг,  
Отғоли ғамза ўқин қошлари ёсини кўрунг,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Оразидин олиб ул меҳру жаҳонтоб ниқоб,  
Зеб учун кўзга чекиб сурма, уруб юзга гулоб,  
Кўзлари фитнасини қилғоли оламини хароб,  
Юзи ўти била айларга жигарларни кабоб,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Гул хижил боғ аро онинг гул рухсоридин,  
Сарупо дар гул эрур қомати рафторидин,  
Лол эрур қумрию булбул лаби гуфторидин,  
Синди шаккарга баҳо лаъли шаккарборидин,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Жон олур ҳар боқиши бирла қаро кўзгинаси,  
Тоза жон ҳам берур элга шаккарин сўзгинаси,  
Қоши ё, кинрики ўқ, офатижон юзгинаси,  
Фитнагар чобук худройи эрур ўзгинаси,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Кўз юмуб ноз ила тоҳи чекибон хомёза,  
Қош қоқиб гаҳ қилибон жилван беандоза,  
Ўзига ҳар дам эғиб ғамза фунуни тоза,  
Қилди ошиқлигим олам элига овоза,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Жилван қоматиға туъбийи ризвон банда,  
Мутабассим лабиға гулчап хандон банда,  
Икки шахло кўзиға наргиси фаттон банда,  
Орази меҳриға хуршиди дурахшон банда,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо позу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Токи ул шўх ғами ишқиға дучор ўлдум,  
Дам-бадам дарди бало хайли била ёр ўлдум,  
Қокили домиға побаста гирифторм ўлдум,  
Талаб васлида Феруз киби зор ўлдум,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо позу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Эй шўх, тараҳҳум айлаким, зорингман,  
Жону дилу дин ила гирифтормингман.  
Ғар васлингга айласанг баҳо жон нақдин,  
Юз жон эса ҳам бериб харидорингман.

\* \* \*

Қилмиш мани бир дилбари зебо ошиқ,  
Бошдин оёқи латифу раъно ошиқ,  
Йўқ мумкин ўзи холи ҳамсухбати ман,  
Бўлғайму манингдек яна пайдо ошиқ.

\* \* \*

Жонбахши каломинг эрур ул навъ фасиҳ,  
Исо киби жон бергусидур элга сариҳ,  
Ҳар шўхки, ҳусн ичра тутар ўзни сабиҳ,  
Сан борчасидин сабиҳ ҳам асру малиҳ.

\* \* \*

Кўргач юзунг, эй дилбар, фархунда сифот,  
Ҳеч қолмади кўнглум аро орому сабот,  
Хосияти лаълинг оби ҳайвон янглиғ,  
Сўрғон кишига бергуси жовиди ҳаёт.

\* \* \*

Қам этмади қаҳрин манга дилдор ҳануз,  
Тарк айламади жавр ила озор ҳануз.  
Ман ҳажрида субҳу шом йиғларман қон,  
Хушнуд эрур базмида агёр ҳануз.

\* \* \*

Ғар дилбарим ўлмаса манго ҳамсухбат,  
Найлай эса юз хурлиқо ҳамсухбат,  
Ул шўх агар анисим ўлмас эрса,  
Даркор эмас ушбу даҳр аро ҳамсухбат.

\* \* \*

Рўзи санга борча ком бўлсун, ёраб!  
Иқболу май мудом бўлсун, ёраб!  
Ҳам давлати мустадом бўлсун, ёраб!  
Ҳам ишрати бардавом бўлсун, ёраб!

## ЛУҒАТ

абвоб — бўлаклар, қисмлар, боблар.  
абнам — соқов, гунг  
обо жадд — ота-бобо  
аврод — вирдлар, зикрлар  
авсоф — таърифлаш, мақсад  
адам — йўқлик  
ажзу ниёз — ожизлик ва ёлвориш  
ажуза — а) қора хотин; б) қўхна олам  
айн — а) кўз; б) булоқ; в) моҳият; г) ўхшашлик; д) қуёш;  
е) олтин; ё) соз, яхши.  
алҳон — ёқимли овозлар, ашулалар  
ал-фироқ — айрилиш  
амн — омонлик, тинчлик  
анбарбор — анбар иси сочувчи, тин қора ва муаттар  
анбарин — а) анбар ҳидли, хушбўй; б) қора, муаттар нарса  
анис — а) улфат, дўст; б) ёқимли  
ано — машаққат, қийинчилик  
анфос — нафаслар  
арақ — тер  
аржуманд — азиз, қадрли, ақлли  
асҳоб — ҳамдард, шафқатли, кўнгилчан  
афвож — тўдалар, гуруҳлар  
афгор — яраланган, мажруҳ  
афсар — тож, жиға, бирор нарсанинг боши, учи  
аҳсан — яхшиларнинг яхшиси  
аҳмар — қип-қизил  
аҳфод — авлодлар, набиралар  
байтулаҳзан — ғам уйи, кулба, маж: дунё  
барги нақд — барча қимматбаҳо нарсалар  
бахр — а) баҳра; б) ҳисса, улуш; в) учун  
бедил — а) ҳолсиз, дилсиз; б) қайғули, ошиқ  
бедодгар — зулм қилувчи, адолатсиз  
бекарон — чексиз, қирғоқсиз  
беҳвод — асл зот  
бидоят — бошланмиш, ибтидо

«бино — а) иморат; б) асос, суянчиқ  
«билкулл — бутунлай, батамом  
«ботил — бузилган, беҳуда  
«бурқаъ — юзга тутилдиган парда, виқоб  
«бут — а) оёқ; б) бут, санам; в) маъшуқа  
«бутратмоқ — тўзитмоқ, тарқатмоқ  
«вард — атиргул  
«варзиш — машқ, одат  
«вирд — тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифа, дуо  
«вуруд — келиш, келиб етиш  
  
«даранг — а) секин, тўхталиш; б) фурсат, вақт  
«дурахшон — ялтироқ, нурли, зиё берувчи  
«дурафшон — а) дур сочувчи; б) ажойиб шеър тузувчи; гўзал  
«сўзловчи  
«дуруд — мақтов, дуо, салом  
«дўш — а) орқа, кифт, б) ўтган кеча  
  
«ёвар — ёрдамчи, мададкор  
«ёвуқ — яқин  
  
«жабҳа — манглай, пешана  
«жалис — ҳамсухбат  
«жамод — жонсиз табиат  
«жаноб — а) остона, бўсаға; б) мартабали, даражалли  
«жилва — а) ялтироқлик б) ўзини гўзал кўрсатиш  
«жирм — жусса, гавда, бир нарсанинг борлиги  
«жовидон — абадий, доимий  
«жоми Нам — Намшид номли подшоҳ ясаттирган тилсимли жом  
«жонкоҳ — жонни койитувчи, азоб берувчи  
«жоҳ — мансаб, амал  
«журм — гуноҳ, жиноят  
«жустанжў — қидириш, излаш  
«жў — а) ариқ; б) сўз бирикмасида «истовчи, қидирувчи» маъво-  
ларида келади  
«жўшон — қайнаб турган, тўлқинланиб турган  
  
«залолат — адашмоқлик, гумроҳлик  
«занг — а) занг; б) чанг, қора  
«замир — а) ич, кўнгил; б) фикр; в) эгалик олмоши  
«зақан — бағбақа  
«зиҳд — яхши, гўзал  
«зоил — йўқ бўлувчи, йўқоладиган  
«зулжалол — азамат ва энг буюк, буюклик эгаси

«зуннор — мусулмон давлатларда яшовчи тарсолар белга мажбу-  
ран боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир  
  
«ийтиноб — узоқланиш, сақланиш, тортиниш, қочиниш  
«изтирор — зарурат, ночорлик  
«ийд — байрам, ҳайит  
«индон — а) жилов, тизгин; б) олд, ҳузур  
«инфиол — ҳижолат, уялиш  
«исор — бағишлаш, инъом қилиш  
«истифсор — изоҳ сўраш, сўраб билиш  
«ишратсигол — хушвақт, ишратга мойил  
«иштиҳор — шуҳрат тонини  
«ихфо — яшириш, махфий  
«иқтидор — қодир бўлиш  
«иъжоз — мўъжиза кўрсатиш  
  
«жабк — қанлик  
«жави — борлиқ, дунё  
«жамин — а) нана, хилват жой; б) кичик, тубан даражадаги  
«жасолат — суестлик, ланжлик  
«жилк — қамши қалам  
«жилла — қодир, соябон  
«жомеб — мақсадига эришган, бахтиёр  
«жуфр — қофирлик  
«жўҳ — тоғ  
«лабрез — лиммо-лим, жуда мўл  
«лавҳ — а) ёйиқ нарса, ёзув тахтаси б) равшанлик  
«ла — йуҳиббу-з-залимин» — у зolimларни ёқтирмади  
«лаҳи — овоз, куй, ашула  
«лояқил — ақли йўқ, ҳушсиз  
«лўлу — марварид, гавҳар  
«маал-қисса — шу билан бирга, хулоса шукр  
«мавзун — а) ўлчанган, қоматга яраша бичилган; б) чиройли;  
в) вазиға солинган  
«мадҳун — а) беҳуш, маст; б) ҳайрон, ҳайратланган  
«мажмуъ — а) тўплам; б) ҳамма, жамъ  
«майғун — май рангли, қизил рангли  
«маркаб — улов, миниладиган ҳайвон  
«Масиҳо — Исо пайгамбарнинг лақаби «ўлиқни тирилтирувчи»  
маъносида  
«маснад — а) суянчиқ; б) тахт; в) юксак ўрин  
«масъуд — саодатли, бахтли  
«махз — а) мия, ақл; б) илик  
«махлас — а) қутуланш; б) халослик жойи; в) тугалланиш нуқ-  
таси

маҳмуд — мақталган  
 машом — бурун, димоғ  
 меҳр — а) қуёш; б) севги  
 миён — ўрта, ўрталик, бел  
 миҳаб — меҳнатлар, машаққатлар  
 муалло — юксак, баланд  
 муанбар — а) хушбўй; б) хуш иели қон-қора нарса  
 мубарро — холи, овоз, пок  
 мубҳам — яширин  
 мужа — кичрик  
 музтар — мажбур бўлган, почор  
 мукаррам — ҳурматли, азиз  
 мунис — уифат, ҳамдам  
 мург — а) қуни, парранда; б) товуқ  
 мусаххар — тасхир (забт) қилинган, ўзига қаратилган, бўйи сув-  
 дирилган  
 мустадир — юмалоқ, тўгарак  
 мустадом — ҳаминна  
 мутабассим — табассум қилган, астагина қулувчи  
 муъжизбаён — энг юксак фасоҳатли сўз эгаси  
 муфт — текис  
 муғанвий — созанда, ашулачи  
 муқавва — қавага ўхшаган, қайрилган  
 муқарраб — яқин дўст  
 муниқом — муниқ каби қора тусли  
 муҳлик — ҳалок қилувчи, ўлдирувчи  
 набот — а) ўсимлик; б) поввот  
 намудор — кўриниб турган  
 настри узор — гўзал юзли  
 неку — яхши, гўзал  
 нигун — эгилган, тубан  
 низор — а) бўш, возик; б) ориқ, өзгин  
 нисор — сочиш, чочқи  
 ниҳод — табиат, хислат; б) тузилиш  
 нойим — ухловчи  
 носих — насиҳатгўй  
 нуқат — а) нуқталар; б) хон, в) доғ  
 обдор — тивик  
 обнҳайвон — тириклик суви  
 омода — тайёр, тайёрланган  
 офот — офатлар, бахсизликлар  
 ошуб — гавго, ҳаяжон

паём — хабар, дарак  
 пайкар — а) ҳайкал, гавда; б) сурат  
 пайгом — хабар, дарак  
 партав — нур, шуъла  
 паямбар — пайғамбар  
 пеша — ҳунар, одат  
 побанд — гирифтор, оёғи боғли  
 печон — ўралган, тўланган  
 пойбўс — таъзим, ҳурмат  
 носух — жавоб  
 равза — а) бог; б) жаннат; в) азиз авлиёлар қабри  
 равон — а) юрувчи, кетувчи; б) тез, тездан; в) жон, руҳ, ҳаёт  
 рахш — чопқир от  
 раҳшон — ялтироқ, порлоқ, тобланувчи  
 раъд — а) момақалдироқ; б) ўт отадиган қуроқ  
 рокиб — сувора, отлиқ, от мшииб борувчи  
 роҳ — а) шодлик; б) май; в) йўл  
 руд — мусиқа қуроли  
 руҳафзо — руҳлантирувчи, жонлантирувчи  
 руъят — кўриниш, мушоҳада  
 рўзи — кундалик овқат, насиб, тириклик воситаси  
 сабиҳ — гўзал, ҳусни, латиф, ширин  
 салламно — офарин, баракалла  
 санавбар — а) қарагайга ўхшаган хушқомат дарахт; б) севгили-  
 нинг келинган қомати  
 сангдил — тошқўнғил, марҳаматсиз  
 сангин — а) тошдан ясалган; б) қаттиқ, огир  
 санъ — созанда, ҳунарманд; б) худо  
 сар — а) бош; б) уч, чўққи  
 сарв — а) тик ўсадиган, хушқомат дарахт; б) гўзал ёр  
 сариҳ — очиқ, аниқ, равшан, ойдин  
 саромад — олдинги, илғор  
 сарафканда — а) боши эгилган; б) итоат этган  
 сарафроз — а) юксак, улугвор; б) қувноқ  
 саршор — лиммо-лим, лиқ тўла  
 саҳоб — булут  
 саҳл — осон, енгил, қулай, арзимас  
 сафо — ёруғлик  
 ситол — а) хуяқ, одат; б) шикоят  
 сидра — еттинчи осмондаги бир дарахт  
 сиришк — кўз ёши  
 собиқа — илгариги, аввалги  
 солим — омон, соғ-саломат  
 сонъ — яратувчи, пайдо қилувчи

субуктов — чаққон, тез  
 суманбар — а) оқбадан, гўзал; б) севгили  
 сумансо — суманга ўхшаган, гўзал  
 сумансой — хушбўй ҳид тарқатувчи  
 субул — а) бир турли хушбўй қора рағли ўсимлик; б) севги-  
 лининг сочи  
 суроҳий — узун бўйли сув ва май идиши  
 сууд — юқорига кўтарилмоқ, ўрламоқ  
 сухандон — сўз устаси, гўзал ва ўринли сўзловчи  
 тавҳид — а) сўфийликда ягона деб ҳисоблан; б) тасаввуф таъ-  
 лимотида ҳақиқатга етишиш, киши руҳининг илоҳий руҳ билан  
 қўшилиб кетиши; худога қўшиливи, сўфийликнинг бениечи дав-  
 ри  
 тазаллум — зулмдан шикоят қилиш, дод-фиғон  
 такаллум — гапириш, сўзлашиш  
 талтиф — эркалан, ширин сўзлар сўзлаш  
 тараб — хурсандлик  
 тарсо — гайридин  
 тафохур — фахрлиниш  
 таъжил — ўзгартириш  
 тагофул — биллиб-билмасликка олиш  
 тегру — ...гача, ...га, қадар  
 тоб — нур,  
 торож — таламоқ  
 тўбий — диний эътиқодда жаннат дарахти деб фараз этилган  
 тўзал дарахт  
 тузлук — тўғрилиқ, ҳалоллик  
 тул — узун бўй, узунлик  
 тулуъ — чиқиш, кўриниш  
 тундхў — а) бир гапли; ўз гапида қаттиқ турувчи; в) возни  
 табиат  
 узор — юз, чакка  
 унсур — асос  
 уруж — юксалиш, юқори кўтарилиш  
 усру — кўн, ниҳоятда  
 устихон — суяк  
 уқбо — охират  
 фард — а) яқна, ёлғиз, б) ажралган  
 фарсо — сўз бирикмасида «бузувчи, битирувчи, путурдан кетма-  
 вувчи, тирновчи, чарчатувчи, тўзғитувчи» маъноларида келади

фархунда — қутлуғ, бахтли, қувончли  
 фасиҳ — жароҳатли, ярали  
 ферузбахт — а) бахтли; б) голиб  
 футувват — а) йигитлик, олижаноблик; б) карам, саховат  
 кавз — чўмилиш, шўнгиш  
 хат — а) чизик, из б) ёзув; в) янги чиққан мўйлаб; в) ёлғиз  
 биргина, ёки  
 калову мало — оёқ ости тупроғи, босган из  
 холиқ — яратувчи, халқ қилувчи  
 жомъёза — қомуза тортиш, эснаш  
 хон — а) дастурхон; б) емак, таом; в) албатта, ҳақиқатан  
 худ — а) узун учли; баҳайбат жез қалпоқ  
 худком — ўз маънафини ўйловчи  
 хурдабин — майда нарсани кўра билувчи, тезфаҳм, зийрак  
 хуруш — қичқириниш, шовқинхур  
 хуришид — қуёш, офтоб  
 чарғ — қуш, парранда  
 чобук — а) чаққон, илдам, чавандоз; б) ўйноқи, шўх  
 шабистон — а) кечки ётоқхона; б) қоп-қоронғу кеча  
 шабранг — тим қора, қора от  
 шамъи тироз — нақшли шам  
 шарор — олов, ўт  
 шафъи — воситачи, ҳимоячи  
 шаҳбоз — лочин  
 шаҳвор — йприк ва аъло  
 шўр — ғавғо, тўполол  
 эзид — худо  
 эмин — тинч, хавфсиз  
 энг — руҳ, бет  
 эҳром — хажга борганлар Каъбани зиёрат қилиш чоғида кийим  
 ўрнида ўраниб оладиган яланг қабат оқ мато  
 ҳариб — яқин  
 ҳурбат — яқинлик, етишиш  
 ғамин — ғамгин  
 ғоза — юзга суриладиган қизил модда  
 ғуфрон — кечириш, шафқат

ҳадаф — а) нишон жойи; б) йўналиш нуқтаси  
ҳадис — Пайгамбар сўзлари  
ҳай — тирик, жонли  
ҳамд — а) мақтов; б) ташаккур, шукр  
ҳамойил — елка ва қўлтиқ орқали ўтказиб тақиладиган боғ,  
масалан, қилич ёки китоб жилдининг боғи  
ҳонл — тўсиқ, ғов  
ҳувайдо — аён, равшан  
ҳужаста — ажойиб, муборак  
ҳумро — қизил

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*

Адабий-бадний нашр

Муҳаммад Раҳимхон Феруз

ЭЛГА ШОҲУ ИШИҚҚА ҚУЛ

Девон

Муҳаррир **Ж. Субҳон**  
Рассом **А. Кива**  
Расмлар муҳаррири **М. Карпузас**  
Техн. муҳаррир **Т. Смирнова**

ИБ № 5317

Босмахонага 18.07.94-да берилди. Босингга 22.08.94-да рухсат этилди.  
Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. 1-нав босмахона қоғози. Адабий гарнитураси. Юқори  
босма. 8,40 Шартли босма тобоқ. 4,85 нашр босма тобоқ. Жами 30 000  
нусха. 503 буюртма. Ваҳоси шартнома асосида 53—94 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129 Тошкент  
Навобий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-жур-  
нал фабрикасида босилди, Тошкент, Юнусобод маҳали, Муродов кўчаси, 1.